

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Сервис ва туризм” факультети

«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Отаджанова Дилдора Жахонгир қизи

Овқатланиш ва савдо корхоналарида инновацион ҳолатини ўрганиш ва электрон техникаларини янгилаш билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш (Самарқанд вилояти Ургут шаҳри “Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонаси мисолида).

5610100- Хизматлар соҳаси (ресторан иши) таълим йуналиши буйича
Бакалавр академик даражасини олиш
учун езилган битирув малакавий иши

“Ҳимояга тавсия этилди”

«Хизмат кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси мудир
доцент _____ И. Шукуров.

«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси мажлиси
баённома

№ __ 2019 йил “__” _____

Илмий раҳбар:

проф. Қурбанов Ж.М.

САМАРҚАНД-2019 й.

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
1	Узбекистонда инновация буйича қилинаётган ишлар тахлили	6
2	Самарканд вилояти Ургут шаҳар “Ургут Файз Савдо” МЧЖ қорхонаси иқтисодий ҳолатини регрессион тахлили ва инновацион ҳолати тугрисида.	14
3.	Қорхонада инновацион электрон техникасини янгилаш билан хизмат курсатиш самарадорлигини ошириш .	24
3.1.	Ҳозирги вақтда қорхоналарнинг хизмат курсатиш жараёнларида қулланилаётган электрон техника тавсифлари	24
3.2.	“Ургут Файз Савдо” МЧЖ қорхонаси электрон техникасини янгилаш	43
3.3.	Қорхонада янгиланган техниканинг самарадорлигини ҳисоблаш методи	45
3.4.	“Ургут Файз Савдо” МЧЖ қорхонасида янгиланган техниканинг хизмат курсатиш самарадорлигини ҳисоблаш ва олинган натижалар тахлили.	51
3.5.	Ургут Файз Савдо” МЧЖ қорхонаси маркедида ташкил этилган оватланиш буфетини техникасини янгилаш ва унинг самарадорлигини ҳисоблаш	54
4.	Қорхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги буйича чора тадбирлар.	59
4.1.	Қорхонада меҳнат хавфсизлиги чора тадбирлари .	59
4.2.	Қорхонада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари.	62
	Хулоса ва таклифлар	64
	Фойдаланилган адабиётлар руйхати	67

КИРИШ

Ўзбекистон республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда) такидланишича:

- айти вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

-2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди ва бешта устувор йўналишлар белгилаб берилди:

- давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш:
- ижтимоий соҳани ривожлантириш:
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Шунга, асосан, Ўзбекистонда хизмат курсатиш соҳасига 1 200 000 млн сумм маблағ сарфланиб, кенг куламда ривожлантирилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2016 йилда 52,5 фоизга ўсди. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасининг бош бўғини ҳисобланмиш савдо хизмати 2007-2016 йиллар мобайнида 2,5 баробар оширилди. Юртимизда ривожланишнинг махсус дастури асосида фақатгина шу даврда озиқ-овқат ва саноат товарларини сотиш учун 1500дан ортиқ янги улгуржи савдо корхоналари барпо этилди. Айниқса, қишлоқ жойларида бундай ривожланиш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Юртимизда савдо соҳасининг ривожланишида Президентимизнинг №УП-3722 «Чакана ва улгуржи савдони либераллаштириш ва унга қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди ва қишлоқ жойларида «Гузар» типидagi янги савдо-маиший хизмат комплекслари ташкил этилди, савдо ва хизматлар соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда доимий ярмаркалар ташкил этилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 майда ПК-1754 сон қарори билан 2012-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантириш дастури қабул этилди. Ушбу дастур бўйича 2017 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилиши назарда тутилади. Барча хизмат кўрсатиш тармоқлари қатори савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг ривожланиши 2,4 бараварга оширилиши керак.

Овқатланиш ва савдо корхоналарининг ривожлантирилиши халқимизнинг турли хилдаги озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ва товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш вазифасини бажаради. Бундай вазифаларни бажаришда овқатланиш ва савдо корхоналарининг техникавий таъминланганлиги алоҳида рол ўйнайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ташкил этилган овқатланиш ва савдо корхоналарида турли хилдаги жиҳозлар қўлланилиб келинмоқда. Айниқса,

магазинлар қаторида турли маркет, супермаркет ва гипермаркет типигаги савдо корхоналарининг ташкил этилиши билан, уларда замонавий савдо ва овкатланиш жиҳозлари ва мебеллари , инвентарларига бўлган эҳтиёжлари ошиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида техник-технологик жиҳозларни такомиллаштириш, ўзимизда ва чет элда ишлаб чиқариладиган жиҳозлардан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Замонавий овкатланиш ва савдо корхоналарида тез, қулай ва аниқ сервис хизмат кўрсатишда замонавий, мустаҳкамлиги ва узоқ муддатда ишлайдиган, юқори самарали ва ишончли, ишлатишда қулай, механизациялашган ва автоматлаштирилган, енгил ва кичик ҳажмли – принципиал янги жиҳозлар талаб этилади.

Мавзунинг долзарблиги: овкатланиш ва савдо корхоналарини электрон техника ва технологиясини янгилаш асосида самарадорлигини ошириш, унга замонавий электрон техникасини куллашга багишланган танланган малакавий иш мавзуси овкатланиш ва савдо корхонаси моддий техник базасини янгилаш йўли билан сервис хизмати самарадорлигини ошириш лозимлигига бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолиятининг табиати ҳамда уларни ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш муаммолари овкатланиш ва савдо соҳаси субъектлари самарадорлигини ошириш масалалари чет эллик олимлардан М.И. Белошапко, М.П.Могилный, В.И.Богужева ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ж.М.Курбонов, Т.О.Худойшукуров, Б.А.бдукаримов, М.Пардаевларни бу борада олиб борган тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Аммо бу борада хизмат кўрсатиш соҳасининг овкатланиш ва савдо корхоналари ривожланиши масалалари унинг асосий йўналишлари адабиётларда етарлича очиб берилмаган.

Мавзунинг мақсади: Овкатланиш ва савдо корхоналарининг техник янгилашда савдо электрон техникасини куллаш билан унинг самарадорлигини ошириш, унга узгартирувчи омилларни аниклаш ва корхонада замонавий электрон техникаларни тадбик этиш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти: Ургут шаҳар “Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонаси

Тадқиқотнинг предмети: модернизациялаш шароитида хизмат курсатиш корхоналари бўлмиш овкатланиш ва савдо корхоналарининг техникавий янгилаш, жумладан замонавий электрон техникасини куллашни тадбикини амалга ошириш билан унинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: битирув малакавий иши доирасидаги тадқиқотлар давомида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш каби бир қатор усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий иш таркиби: кириш, 4 та боб, умумий 69 бетдан иборат..

Расмлар ва жадваллардан ва хулоса ва таклифлар, кулланилган адабиётлар руйхатидан таркиб топган.

1.Узбекистонда инновация буйича қилинаётган ишлар таҳлили

Модернизация ҳолати биринчи навбатда корхонанинг инновацион фаолиятдан келиб чиқади. Чунки унинг натижасида олинган ишлаб чиқариш маҳсулоти (хизмат), унинг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Маълумки, “инновация” (ингл.innovation янгилик киритиш, новаторлик) деганда модернизациянинг бош омили янги жараён, маҳсулот ёки хизматнинг “янгилигига берилган инвестиция” натижасида амалиётга тадбиғини тушунамиз. Шунинг учун, модернизациялашдагидек инновацион жараённинг (фаолияти) ривожланишига ижтимоий-маданий, иқтисодий, интеллектуал ва техник - технологик ва бошқа омиллар таъсир этади.

Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражаси, ундаги интеллектуал мулкнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун, барча мамлакатлар ўз интеллектуал мулкларини ривожланиши борасида, айниқса унинг давлатда ва бутун дунёда ҳимояланишига катта эътибор берадилар.

Агар биз инсоннинг ақлини, тафаккурини, билимини ва илмини, заковатини, қобилиятини ва ҳ.к. унинг интеллекти десак, унда ана шулар ёрдамида яратилган, ижод этган маҳсулот ёки мулк унинг интеллектуал мулки деб юритилади.

Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи бўлиб инсоннинг илмий-тадқиқот фаолияти, инсон яшаб турган жамиятнинг бу фаолиятга, айниқса, билимига, илмига, умуман фанга техникавий ривожланишга бўлган муносабати ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб бориляпти. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ундаги интеллектуал мулк бўйича ишларнинг қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ер юзидаги минглаб илмий

муассаса ва корхоналарда, мунтазам равишда миллионлаб илмий тадқиқот натижалари олиниб, таҳлил этилиб инсон ҳаёти – амалиётига тадбиқ этиб – башарият цивилизациясининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ўзининг ривожланган интеллектуал мулк материал баъзаси кенг илмий фонди, илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган юқори малакавий илмий кадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси илмий-изланиш комплексини жами соҳалар профили бўйича қўлаб академик, олий таълим ташкилотлари ташкил топган.

Бунда илмий-изланиш институтлари, олий ўқув юртлири илмий-изланиш бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва экспериментал корхоналар, ахборот-ҳисоб марказлари мавжуд. Жумладан, юртимизда ҳозирги вақтда 85 та олий таълим муассасаси бўлиб, унинг 21 таси университет, 35 таси институт, 2 таси академия, 18 таси ОТМ филиали, 1 таси консерватория, 1 таси олий мактаб, 7 таси хорижий олий таълим муассасалари филиаллари дидир.

Ўзбекистон ўзининг фан ва технологиялари ривожланишини дунё ҳамжамияти билан қадамма-қадам ҳамкорликда, ўзаро келишувида олиб бормоқда. Ҳозирда, Ўзбекистон Рио Декларациясига, БМТнинг иқлим ўзгариши, биологик турли хиллик, саҳроланишга қарши конвенциясига, озон қатламини ҳимоялаш Вена конвенциясига, хавфли чиқиндиларнинг ташилиши ва чиқарилишини назорат қилиш Базел конвенциясига қўшилиб ўзаро муносабатларни ратификация қилган. Бундан ташқари, яна 12 дан кўп атроф-муҳитни сақлаш бўйича халқаро битимлар ва ҳамкорлик шартномаларига қўшилган. Масалан: “Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзолаган Саноат намуналарининг халқаро тавсифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июлда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида”ги қонунлари чиқарилди.

Ўзбекистон ҳукумати фаоллигида Орол денгизи ва Орол денгизи бассейнида экологик муҳитни яхшилаш учун концепция ишлаб чиқилди ва бу концепция 1994 йили Марказий Осиё давлатлари томонидан қабул қилинди ва бу ҳақда Халқаро конференция (1995 йил сентябр Нукусда) ўтказилди ва Нукус Декларацияси қабул қилинди.

Юртимиз ҳаётида турли хилдаги Миллий дастурлар ишлаб чиқилганки, уларнинг асосий вазифаси иқтисодийимиз асосий тармоқларини технологик модернизация қилиш, экспорт потенциалини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциясини амалга оширишдан иборатдир.

Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29

ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони қабул қилинди

Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шакллари амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди. Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди. Вазирлик давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси бўлади, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Инновацион технологиялар ҳисобига ривожланишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқувчи, шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи ихтисослаштирилган идораларни ташкил қилиш бўйича жаҳон тенденциясини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартиришга, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига унинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишга қўмаклашади; инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали

туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади; иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш; қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида: энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ; ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини жорий этиш вазифалари курсатиб утилди.

Фаолиятда бир-бирини такрорлашни истисно этиш, ягона ёндашувларни таъминлаш мақсадида 2018 йил 1 январдан бошлаб Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, Фан ва технологиялар агентлиги тугатилди.

Ташкил этилган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича ҳисобот беришнинг шаффоф тизимидан фойдаланган ҳолда инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаси ҳисобланади.

Худди шунингдек, технопаркларни ташкил этиш мақсадида Фанлар академияси ва Олий аттестация комиссиясининг фаолиятини танқидий ўрганиш топширилди. Фармонда инновацияларни жорий этишнинг қонуний асосларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан, илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ҳамда қўллаб-қувватлаш шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни белгиловчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги қонунлар

лойиҳалари

ишлаб

чиқилади.

Ушбу фармонни ижро этиш юзасидан 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ вазирликнинг ташкилий тузилмаси, вазирлик бошқарув ходимларининг чекланган сони (82 нафар), марказий аппарати тузилмаси, вазирлик тўғрисидаги низом, инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси, унинг Кузатув кенгашининг таркиби ва инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгиловчи Низомида: Вазирлик ва унинг марказий аппарати вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари, жавобгарлиги, Вазирлик фаолиятини ташкил этиш, фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари, молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, ҳисобдорлиги белгилаб берилди.

Инновациянинг энг илғор соҳаси ҳозирги вақтда барча соҳаларга, шу жумладан хизматлар курсатиш соҳасида ҳам ахборот коммуникациялари ҳисобланмиш электрон техникаларни амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Бу иктисодиётда рақамли иктисодиёт, бошқарувда электрон ҳуқумат, ишлаб чиқаришда эса электрон техника воситалари ва бошқалар ҳисобланади. Шунинг учун овқатланиш ва савдода буларнинг кулланилиши албатта истемолчиларга хизмат курсатишни тубдан узгартириб қулайликлар яратилади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги пқ-3674-сонли « Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида қарори га асосан : илмий ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини фаоллаштириш, фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва кўллаш, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб-чиқиш ва жорий этишда илмий-инновацион салоҳиятдан ва илмий лаборатория базасидан самарали фойдаланиш бўйича шароитлар яратиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар Академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонасини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига айлантирилди. Жумладан унга, халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш; маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш белгиланган.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Юқорида келтирилган манбалардан маълум бўлдики, Ўзбекистон сўнгги йилларда интеллектуал мулк бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келмоқда. Замонавий саноат ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг

Ҳолат муҳим илмий ва технологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллигини рағбатлантирилишини, уларнинг саъй-ҳаракатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника, айниқса интеллектуал мулкни муҳофазаси соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Бундай натижалар, албатта илмий изланиш ишлари юртимизда давлат томонидан тўғри йўналтирилганлигини натижасидир.

Юқорида қайд этилган барча ташкилий-амалий ишлар Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг яратилиши унинг муҳофазаси бўйича қилинган муҳим ишлар ҳисобланиб, унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади. Пировард натижада, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион йўли иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мамлакат барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг омили бўлишига ишонамиз.

2. Самарканд вилояти Ургут шаҳар “Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонаси иқтисодий ҳолатининг регрессион таҳлили ва инновацион ҳолати тугрисида.

Маълумки моддий-техника база ўз ичига барча асосий фондларни ва бир қисм айланма фондларни ўз ичига олади. Корхона асосий фондлари унинг моддий-техникавий базасининг бир қисми бўлиб, улар мунтазам равишда изланиш воситаси ва ўз қийматининг бир қисмини тайёр маҳсулотга ўтказди. Шунинг учун уларга бир хил ҳисоб меъёрлари берилди. Шундай қилиб корхона асосий фонди унинг ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, ишлаб чиқариш меҳнат воситалари, кулинар маҳсулотлар реализацияси ва истеъмолчини ташкил этиш комплексини ташкил этади.

Савдо(овкатланиш) корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришни янги инновацион ютуқлар асосида жадаллаштириш ва халқ хўжалигининг структурасининг такомиллашишига боғлиқ бўлади. Бундай вазифаларни бажаришда унинг моддий техникавий базасини ривожлантириш ва мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларини фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади.

Савдо(овкатланиш) корхоналарининг асосий фондини, унинг биноси, иншоотлари, машина ва жиҳозлари, транспорт воситалари, инструментлари, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқа меҳнат воситаларидан таркиб топади.

Ушбу корхонада сунги йилларда купгина модернизация ишлари олиб борилдики эндиликда у уз самарасини берияпти. Ушбу корхонанинг 2018 йилги иктисодий фаолиятининг тахлили жадвалда келтирилди.

2.1--жадвал

“Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонасининг иктисодий ҳолати.

(минг сум)

№	Кўрсаткичлар	2017й	2018й	Фарқи	2017й 2018й %
1	Ялпи товар айланиши	16152	54542	+38390	366,8
2	Чакана товар айланиши	10582	44212	+33630	417,8
3	Ўз ишлаб чиқарган маҳсулоти бўйича айланма	1023	3214	+2191	314,1
4	Фойда	930	1010	+80	920,7
5	Асосий фондларнинг ўртача қиймати	31245	45678	+1443	146,2
5.1	Фаол қисми	3360	4242	+146,1	126,2
6	Ўрин миқдори	200	250	+50	12,5
7	Ўртача рўйхат,киши	46	98	+52	213,0
7.1	Савдо ишлаб чиқариш персоналлари	28	62	+34	221,4
8	Асосий фондларнинг фонд қайтими	0,38	0,97	+0,59	255,2
9	Асосий фондларнинг фаол қисмининг фонд қайтими	0,30	0,75	+0,45	250
10	Асосий фондларнинг фонд сиғими	2,57	1,02	-1,55	39,6
11	Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги	3,28	1,32	-1,96	40,2

12	Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги	0,10	0,09	-0,01	90
13	Асосий фондларнинг фойдаланиш самарадорлиги коэффиценти	0,003	0,020	+0,017	666,6
14	Бир ўриндан олинган фойда	0,50	3,72	+3,22	744
15	Бир ўринда чакана товар айланмаси	52,91	176,8	+123,8	334,1
16	Бир ўринда ишлаб чиқариш маҳсулоти бўйича айланмаси	5,11	12,85	+7,74	251,4
17	Ўринлар сони ҳисобда: бир ишчи учун	4,34	2,55	-1,79	58,7
	Бир савдо ишлаб чиқариш учун	7,14	4,03	-3,11	56,4
18	Асосий фондларнинг самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи	0,001	0,02	+0,02	2000
19	Фонд қуролланганлиги	679,2	466,1	-213,1	68,62
20	Фонд таъминоти	120	68,42	-51,58	57,01

Куйида биз “Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонасининг иқтисодий фаолиятдан келиб чиқган ҳолда унинг умумий дисперсион ва регрессион таҳлилини олиб борамиз ва унинг кўрсаткичи йиллардаги истикболларини аниқлаймиз.

.Бизга маълумки, регрессион таҳлил деганда иқтисодий жараёнларнинг бир бирига боғлиқлик қонуниятининг изланишига тушунамиз. Кўп ҳолда ўзгарувчан x ва y кўрсаткичлар орасида боғлиқлик бўлсада, ҳамма вақт ҳам улар бир маромда бўлмаслиги, битта “ x ” кўрсаткичининг натижасига “ y ” натижалари тўғри келиши мумкин. Бундай ҳолларда боғлиқлик регрессион боғлиқлик деб юритилади. Шундай қилиб, $y=f(x)$ функцияси, агар аргументга “ y ” статистик қатори келса, регрессионли деб юритишимиз мумкин. Агар кўрсаткичлар боғлиқлигини аниқлаш регрессион таҳлил деб юритсак, унда кўрсаткичлар бир бирига яқинлиги корреляция ёки нуқтаар майдони деб юритилади.

Регрессион таҳлилнинг асосий мақсади, бир-бирига боғлиқлиги бор кўрсаткичларнинг боғлиқлик регрессион тенгламасини ишлаб чиқишдан, яна

бу факторлар натижаларининг бир-бирига яқинлиги (кореляцияси), ишончлилиги ва мослиги (адекватлиги) ҳам аниқланади.

Бир факторли – жуфт боғлиқликда тўғри чизик, парабола, гиперболола, логарифмик, даражали ва кўргазмали функцияли, полиномол ва бошқа турлари бўлиши мумкин. Агар икки ва кўп факторли бўлса, унда текислик, параболоид, гиперболоид кўринишда аппроксимация қилиш мумкин.

Ўзгарувчан факторли боғлиқликни қуйидаги тенглама билан ифода этиш мумкин:

$$y = b_0 + \sum_i^u b_i x_i + \sum_j b_{ij} x_i + \sum_i^u b_{ij} x_i^2 .$$

Бунда y – мақсадли функция; x_i – эркин факторлар, b_i – регрессия коэффицентга, қайсиким x_i -у га бўлган боғлиқлигини ифода этади.

b_{ij} – факторларнинг иккиламчи x_i ва x_j таъсирларни ифода этади.

Регрессион боғлиқликни ифодалашда минимал квадрат шарти бажарилса оптимал бўлади, яъни

$$\sum (y - \bar{y})^2 = \min$$

бу ерда y_i - ҳақиқий натижа майдони;

\bar{y} - ўртача қиймат.

Корреляция майдони эса тўғри чизикли тенглама ифодасида:

$$y = a + bx$$

бўлиши мумкин.

Бундаги a ва b қуйидагича ҳисобланади:

$$b = \frac{(n \sum xy - \sum x \sum y)}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}$$

$$a = y - b = \frac{\sum y}{n} - b \frac{\sum x}{n}$$

x ва y ўзгарувчанларнинг бир-бирига қанчалик яқин боғлиқлигини коэффицент кореляцияси кўрсатади ва қуйидагича топилади:

$$r = \frac{h \sum x_i y_i - \sum x_i \sum y_i}{\sqrt{n \sum x_i^2 - (\sum x_i)^2} \left[n \sum y_i^2 - (\sum y_i)^2 \right]}$$

Бу ерда, n – аниқлашлар (ўлчамлар) сони корреляция муносабати ёки коэффициент қиймати 0 дан 1 гача ўзгаради. Агар $r=0$ бўлса, унда ўрганилаётган факторлар (кўрсаткичлар) орасида боғлиқлик яқинлигини билдиради, $r=1$ бўлса, унда боғлиқлик функционал ҳисобланади. Амалиётда албатта бундай абсолют 0 ёки 1 бўлиши кам ҳолларда кузатилган. Масалан, ишлаб чиқаришдаги ва муомала сарф ҳаражат 0 абсолют даражаси, товар айланмаси билан ҳеч вақт 0 ёки 1 бўлиши мумкин эмас. Фақат ё 1 га, ё 0 га интилиш, лекин ҳеч қачон унга эришиши мумкин эмас. Қанчалик 1 га яқинлашса, шунчалик бир-бирига боғлиқлиги яқин ҳисобланади.

Кўп ҳолда $r \geq 0,5$ бўлса, боғлиқлик қониқарли $r = 0,8 \dots 0,5$ яхши ҳисобланади.

Аниқланаётган кўрсаткичларнинг ўртача қийматларининг ўзгарувчан x дан қанчалик ўзгарувчанлигини (ёки ёйилганлигини) детерминация коэффициенти аниқлайди.

$$R_g = r^2$$

Тўғри чизикли боғлиқлик регрессияси қуйидагича ифодаланади:

$$y = \bar{y} + r \frac{\tau_y}{\Gamma_x}$$

«Юлдуз» ресторанининг 2014-2018 йиллардаги меҳнат унумдорлигининг регрессион таҳлилини ҳисоблашда охириги 5 йил кетма-кетликда: $x = 1, 2, 3, 4, 5$ деб қабул қилинган ва юқорида келтирилган методикада барча ҳисоблар жадвалга критилган.

2.2. жадвал

“Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонасининг 2014-2018 йиллардаги меҳнат унумдорлигининг регрессион таҳлили

Йил лар	x	y	$x - \bar{x}$	$y - \bar{y}$	$(x - \bar{x})^2$	$(y - \bar{y})^2$	x^2	y^2	xy	$(x - \bar{x})^2$ $(y - \bar{y})^2$
2014	1	608,1	-2	-509	4	2590,8	1	3697856	608,1	101,8

2015	2	647,2	-1	-118	1	139,2	4	4188867 8	1294,4	11,8
2016	3	652,2	0	-6,8	0	46,2	9	425364,8	1956,6	0
2017	4	691,1	1	32,1	1	1030, 4	16	477619,2	2764,4	32,1
2018	5	696,4	2	37,4	4	1398, 7	25	484973	3482	74,8
	15	3295	0	0	10	5205, 3	55	2176610, 4	10105,5	220,5

Бунда ҳисоб йилларга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги минг сўм ўлчов миқдорида y_i деб қабул қилинган.

Келтирилган методикага асосан, аниқланган йиллар ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{15}{5} = 3$ га ва меҳнат унумдорлиги эса $\bar{y} = \frac{3295}{5} = 659$ минг сўм ташкил этади.

Йиллар кетма-кетлиги давомида меҳнат унумдорлигининг ўзгариши тўғри чизиқли деб олиб, унинг регрессион тенгламаси:

$$y = a + bx$$

кўринишида бўлади. Регрессион таҳлил жадвалидан а ва б коэффициентларни топамиз:

$$b = \frac{(5 \cdot 10105,5 - 15 \cdot 3295)}{5 \cdot 55 - 15^2} = \frac{5052 \cdot 7,5 - 49425}{275 \cdot 225} = \frac{1102,5}{50} = 22,05.$$

$$a = \frac{3295}{5} - 22,05 \cdot \frac{15}{3} = 659 - 66,15 = 592,8.$$

Шундай қилиб, корхонада охириги 5 йилда меҳнат унумдорлигининг ўзгариши регрессион тенгламаси:

$y = 592,8 + 22,05x$ корреляция коэффициенти аниқласак,

$$r = \frac{5 \cdot 10105,5 - 15 \cdot 3295}{\sqrt{(5 \cdot 55 - 15^2)(5 \cdot 2176610,4 - 3295^2)}} = \frac{50527,5 - 49425}{\sqrt{50(10883052 - 1087025)}} = \frac{1102,5}{2241,8} = 0,5.$$

Демак, аниқланган регрессион тенглама кониқарли даражада меҳнат унумдорлигининг динамикасини ифодалайди ва бу тенгламани келгуси йиллар учун, меҳнат унумдорлигини прогнозлаш учун қўллаш мумкин.

Жадвалда ушбу тенглама ёрдамида 1-7 йиллар учун ҳисобланганлиги келтирилган.

2.3- жадвал

Йиллар	1	2	3	4	5	6	7
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Y	608,1	647,2	652,2	691,4	696,4		
у _x	614,8	637	659	682,8	703	725,1	747,1

Олинган натижаларнинг адекватлигини, яъни тенглама ёрдамида ҳисобланиб топилган натижаларнинг статистик ҳисоботлардан олинган натижаларга қанчалик мослигини Фишер критерийси орқали аниқлаймиз.

Бунинг учун, статистик маълумотлар учун Фишер критерийси - R_{ϕ_3} тенглама ёрдамида, назарий ҳисобланган Фишер критерийсини - R_{ϕ_m} ҳисоблаймиз ва ишончли эҳтимолли даражасини $\rho_g - 0,95$ деб олсак (Фишер критерийси жадвалидан) унда $R_{\phi_3} < R_{\phi_m}$ бўлса математик модел, яъни тенглама адекватли (мос). Агар $R_{\phi_3} > R_{\phi_m}$ бўлса унда модел адекват эмас, ҳисоблашга (қўллашга) яроқсиз ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигининг R_{ϕ_3} статистик маълумотлардан ҳисобланган Фишер критерийси:

$$R_{\phi_3} = \frac{D_a}{D_{yp}} \cdot$$

Бунда: D_a – адекватлик дисперсияси;

D_{yp} – ўртача дисперсик.

$$D_a = \frac{\sum_i^n (y_{ix} - \bar{y}_i)^2}{n - d}$$

$$D_{yp} = \frac{\sum_i^n \sum_i^n (y_{ix} - y_i)^2}{m \cdot n}$$

Бунда $y_{ix} - y_i$ - жадвалдан олинади;
 n – ҳисобга олиш (ўлчаш) сони, $n=5$;
 m – неча марта аниқланган бир йилда, $m=1$

2.4. жадвал

Меҳнат унумдорлигини жадвал – 4 аниқлаш тенгламасини адекватлигини
ҳисоблаш жадвали

№	y_i	y_{ik}	$y_i = \sum_i^n y_i / m$	$y_{ix} - \bar{y}_i$	$(y_{ix} - y_i)^2$	$\sum_i^m \frac{(y_{ix} - y_i)^2}{m}$
1	608,1	614,8	614,8	7,7	59,29	59,29
2	647,2	637	637	-10,2	104,04	101,04
3	652,2	659	659	6,8	46,24	46,24
4	691,4	682,8	682,8	-8,6	73,96	73,96
5	696,4	703	703	6,6	43,56	43,56
					327,09	327,09

$$D_a = 327,09 / (5 - 1) = 81,77$$

$$D_{yp} = 327,09 / 5 = 65,42$$

$$R_{фэ} = 81,77 / 65,72 = 1,24$$

$$q_1 = 5 - 1 = 4$$

$$q_2 = 5 \cdot 1 = 5.$$

Булар учун: жадвалдан олинган Фишер критерийси $R_{фм} = 6,3$.

Демак, $1,34 \ll 6,3$ бўлганлиги учун регрессия тенгламаси адекват ҳисобланади, яъни математик моделидир.

Шундай қилиб, математик – модел, яъни “Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонасининг сўнгги 5 йилда ишлаганида меҳнат унумдорлигининг динамикаси тўғри чизиқли тенглама қонуниятига бўйсинган ҳолда ошиб борган.

Агар биз регрессион ўсишнинг унинг у нинг х га нисбатан, яъни йиллар давомида меҳнат унумдорлигининг қанчалик ўсиш қонуниятига бўйсиниб, ривожланганлигини, янада аниқлаштириш мақсадида детерминация коэффициентини аниқласак:

$$R_g = r^2 = 0,5^2 = 0,25$$

бундан шундай, фикр туғилдики, меҳнат унумдорлиги шу йилларда оз миқдорда, яъни 25 % га таъсир кўрсатган, корхонанинг ривожланишида 75 % бошқа муносабатлар таъсири борлигини тушунишимиз мумкин.

Юқоридаги таҳлилларимиздан кўришиб турибдики, “Ургут Файз Савдо” МЧЖ корхонаси меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ресторан и фаолиятининг самарадорлигининг камайишига олиб келган. Шунинг учун ҳам корхонасини модернизациялаш заруриятини келтириб чиқаради.

Савдо овқатланиш корхоналарининг асосий фондини, унинг биноси, иншоотлари, машина ва жиҳозлари, транспорт воситалари, инструментлари, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқа меҳнат воситаларидан таркиб топади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган “Ургут Файз Савдо” МЧЖга қарашли “Баҳор” савдо маркази қарашли № 1 савдо маркетинг моддий- техникавий базасининг асосий фонди жадвал 2.5 да 2017 йилдаги ҳолати келтирилган.

2.5.-жадвал
(сум)

№		Асосий фондларнинг номи	Баланс қиймати	Ой бошидаги эскириш қиймати
1	Ос-9	Назорат касса аппарати	1179600,00	8654,00
2	Ос-17	Касса аппарати	50785,00	20595,00
3	Ос-16	Электрон тарози	52759,00	21401,00
4	Ос-80	Терминал	5119091,00	298610,00
5	Ос-69	Компютер	682095,00	73121,00
6		Механик тарози		
7	Ос-15	Пул санаш машинаси	22097,00	6781,00
8	Ос-68	Циферблатли тарози	14682,00	2731,00

Савдо(овкатланиш) корхонасининг асосий фондларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишдаги функцияларига қараб актив ва пассивга бўлинишини кўришимиз мумкин.

Савдо(овкатланиш) корхонасининг актив асосий фондлар таркибига: жиҳозлар, машиналар, аппаратлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш инвентари ва инструментлари, ҳисоблаш машиналари ва меҳнат воситалари кирадиди улар корхонанинг техникавий қуролланганлигини ташкил этади. Бу фондлар ўзларининг хусусияти билан корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига тўғридан тўғри таъсир этади.

Корхонанинг пассив асосий фонди таркибига унинг биноси, иншооти ва шу қабилар кирадик, улар маҳсулот ишлаб чиқаришда тўғридан тўғри таъсир этмасаларда, лекин унинг ишлаб чиқаришда, кулинар маҳсулотнинг реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишда қатнашади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган савдо магазининг техникавий даражасини аниқлаш мақсадида, унинг моддий-техник базасининг асосий фондларини, юқорида келтирилганлардан фойдаланиб турли гуруҳларга бўламиз.

“Ургут Файз Савдо” МЧЖга қарашли “Баҳор” савдо маркетда асосий фондлар рўйхати 2017 йил ҳолатида, яъни 2017-2018 йилларда ўтказилган модернизациялашдан кейинги ҳолати жадвал 1 да келтирилган. Агар корхона асосий фондларининг умумий баланс қиймати 1,1222 миллиард сўм бўлса, шундан маркетда, 97107257 сўмни ташкил этади.

Магазин асосий фондларидан савдо жиҳозлари гуруҳи рўйхати 2017 йил ҳолатида (жадвал 3) яъни техникавий модернизациялашдан олдинги ҳолати ва ундан кейинги 2018 йилги ҳолати жадвал 3 да келтирилган.

2.6.-жадвал

**№1 савдо овкатланиш маркетини асосий фонди гуруҳи таркибий қисми
2017 йил**

№	Инвен- тарь номе- ри	Жиҳоз номи	Тавсифи				
			маркаси	Унум- дорлиги	Эл.кув- вати Вт	Масса си кг	Эгалла ган юзаси м ²
Электрон техникаси							
1	ОС-9	Назорат касса аппарати	АМС-100	70	25	5	0,019
			АМС-100Ф	180	25	5	0,109
2	Ос-12	Касса аппарати	Электрони	10секц		10	0,41
3	Ос-80	Электрон тарози	ВЭ-15Т	15кг	15	10	0,108
4	Ос-15	Механик тарози	РП-500Г13	500кг		140	1,28
5	Ос-68	Пул санаш маши- наси	СДБ-2В/1	300 дона	85	2	0,25
6	Ос-75	Циферблатли тарози	РН-10Ц13	10кг	-	5	0,55

2.7.-жадвал

“Ургут Файз Савдо” МЧЖга қарашли №1 савдо овкатланиш маркетини асосий фонди гуруҳи таркибий қисми 2018 йил

№	Инвен- тарь номе- ри	Жиҳоз номи	Тавсифи				
			маркаси	Унум- дорлиги	Эл.кув- вати Вт	Масса си кг	Эгалла ган юзаси м ²
Электрон техникаси							
1	ОС-9	Назорат касса аппарати	АМС-100	70	35	5	0,019
			АМС-100Ф	180	25	5	0,109
2	Ос-12	Касса аппарати	Электрони	10секц		10	0,41
3	Ос-80	Электрон тарози	ВЭ-15Т	15кг	15	10	0,108
4	Ос-69	Терминал	NURIT302	14400бит	2,2	400	0,72
5	Ос-95	Компютер	IBM	4ГБ	60	3	0,6
6	Ос-15	Механик тарози	РП-500Г13	500кг		140	1,28
7	Ос-68	Пул санаш маши-	СДБ-2В/1	300 дона	85	2	0,25

		наси					
8	Ос-75	Циферблатли тарози	РН-10Ц13	10кг	-	5	0.,55

3. Корхонада инновацион электрон техникасини янгилаш билан хизмат курсатиш самарадорлигини ошириш .

3.1. Хозирги вақтда корхоналарнинг хизмат курсатиш жараёнларида кулланилаётган электрон техника тавсифлари

Хозирги вақтда савдо жараёнини жадаллаштириш, замонавийлаштиришда биринчилар каторида турли хилдаги электрон техника воситалари кулланилмоқда. Шулардан кенг тарқалган чет элда ишлаб чиқарилган назорат касса машиналари ҳисобланади.

3.1-жадвалда савдода кенг қўлланилиб келаётган назорат-касса машиналарининг техникавий тавсифи келтирилган.

Назорат-касса машиналарини турли мамлакат корхоналарида ишлаб чиқарилаёпти. Агар “АМС-100Ф” машинасини Сосен асбобсозлик заводи ёки ОАО “КАСБН” Калугада (Россия) ишлаб чиқарилса, “Электроника92-06РФ”. София шаҳри Болгариядаги “Электроника ЕАД” фирмаси томонидан, “Электронмаш-NGR2113-1103Ф”, “Электронмаш” (Россия, Санкт-Петербург); “ЭЛБЕС-01-03Ф” Тула асбобсозлик заводи (Россия); “SAMSUNG ER 4615 RF”ни Samsung electronics, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган.


3.1.-жадвал.

Назорат-касса машиналари техникавий тавсифлари

Кўрсаткичлар	Машиналар типии			
	АМС-100Ф Электроника 92-06РФ	Электронма ш-NPE 2113	ЭЛБЕС-01Ф SAMSUNG ER4615RF	

Индикатор табло сони,	2	2	2	2	2
Табло разряди	13	8	10	9	10
Секциялар сони	4	10	30	9	15
Ишловчи кассирлар сони	4	4	6	39	4
Тармоқ ўчганда информация сақлаш вақти, соат	5000	-	-	1500	720
Информацияни хотирада сақлаш муддати, йил	5		5	6	
Киритилган сумма разряди	9	8	7	9	7
Кассирлар ва бўлимлар бўйича разрядлиги	10	10		10	10
Жами счётчиклар разрядлиги	16	15	12	14	12
Дастурланадиган товарлар миқдори	100	180	180	600	500
Клавишлар сони	33	38	35	39	59
Печат қилиш тезлиги, қатор/сек	4			2,5	3
Қуввати, Вт	25		20	25	25
Машина массаси, кг	5		14	11	18
Чек лентасининг эни, мм	57	38	38	37,5	44
Рулон диаметри, мм	15			80	83
Хизмат муддати, йил	6				

Электрон тарозидан эса назорат-касса машинасига товар оғирлиги ҳисобга олинган умумий баҳоси бериб борилади. Бунда алоқа касса режимида олиб борилади ва бунинг учун дастурий таъминот бўлиши керак (1-расм).



1-Расм. Назорат касса машиналари ташқи кўриниши:

1-клавиатура; 2-кассир индикатори; 3-истеъмолчи индикатори; 4-печатловчи қурилма; 5-печатловчи қурилма қопқоғининг қулфи; 6-ишловчи машиналар учун қулфлар; 7-машина шнури вилкаси; 8-пул қутиси; 9-тармоқ ёндиргичи.

Машина қулфи тўрт ҳолатда бўлиши, учта калити (кассир, бошқасир ва администрация ёки солиқ инспектори калити) бўлади; К – касса режими; О – ҳисобот режими; ОГ – ҳисобот режими ўчириш билан; П – дастурлаш режими; Т – машинанинг тестлаш режими; Р – захира режимида эканлигини билдиради ёки бошқа алоқа канали билан ишлаш режими.

Машина назорат лентаси ҳам химояланган бўлади. Электрон назорат-касса машинасининг кўриниши 2-расмда келтирилган.




2-Расм. SAMSUNG ER 4615RF электрон назорат-касса машинаси.

ЭКР 2101.1Ф – электрон назорат-регистрацияловчи машина кичик корхоналарга, электрэнергияси вақт-вақти билан ўчиб турадиган жойларга мўлжалланган. хотирага сақлаши мумкин.

ЭКР4101.2Ф – назорат-касса машинаси савдо корхонасида кенг кўламда фойдаланилади.

SAMSUNG ER 4615RF – электрон назорат-касса машинаси (3.3-расм) қуйидаги операцияларни: сотувни регистрацияси, пул суммаси ҳисоби, оралик ҳисоб-китоб, бериш, жамлаш, автоматик равишда печатга чиқариш; кредитга, нақд пулга, чекка сотишни бажариш, кирим – сарф касса операцияларини бажариш таралар ҳисобини олиб бориш, солиқ солиши ва ажратиш, упаковкани, кўшимча ва скидкаларни фоизини ҳисоблаш, валютани ҳисобини қилиш, оператор хатосини тўғирлаш, қайтариш, бекор этиш ва такрорлаш, калькулятор режимига ўтиш ва ҳ.к. операцияларни бажаришга мўлжалланган. Назорат-касса машинасининг барча ёзувлари рус тилида бажарилади. Машина комплектида ERP-300V икки секционли матрицали принтери бўлади. Фискал хотираси кунига 3000 жамланган маълумотни ёзиш имкониятига эга.

АМС-100Ф - автоном назорат-касса машинаси (3-расм), ҳисобни автоматик тарзда олиб боришга, бирламчи қайта ишлов ва назоратга қоғозни лентага регистрация этишга мўлжалланган.



3. -Расм. АМС-100Ф назорат

касса машинаси

Машина ҳам SAMSUNG машинаси каби кўп функцияли бўлиб, RS-232 интерфейс билан персонал компьютерга ёки электрон тарозига чиқиши мумкин.

Электронмаш – NGR2113-1103Ф NGR лицензияси билан Россияда ишлаб чиқарилади. Машина кассирга секция мудирига, корхона бошлиғига алоҳида-алоҳида ахборотлар тайёрлаб беришга мўлжалланган. Масалан, 32 кассирга парол бериши, ҳужжатларга ва чекга реклама ёзуви, кунлик ёки вақт-вақти билан молиявий ҳисобот бериши ва ҳ.к. бажариши мумкин.

ЭЛВЕС-01-03Ф – назорат-касса машинаси, корхона талабига жавоб бериб: регистрация қилиш, ҳисоботларни чиқариши (ўчириб, ўчирмай), дастурлаш ва тестлашга мўлжалланган. Унинг фискали хотираси ҳажми 64 килобайт бўлиб, бир кунда 3000 дан ортиқ ёзувни бажариши ва парол билан ҳимояланиши мумкин.



4 -Расм. ЭВКМ-15Ф

тарози-касса

бажаради.

ЭВКМ-15Ф электрон тарози-касса комплекси ўлчаш аниқлиги ўрта класс тарози ва назорат-касса аппарати ҳисобланиб, фискал хотирага ҳам эга (4-расм).

Тарози-касса маҳсулотлар массасини ўлчашга, берилган нархда қийматини ҳисоблаш, ҳисобга олиш, назорат ва ахборотларни бирламчи қайта ишлови, касса операцияларини ўтказиш ва олинган нарсаларни регистрация қилишни

Назорат-касса машиналари эксплуатациясида, авваламбор

машина ўрнатилган иш жойининг ёритилганлиги 450-500 лк. бўлиши лозим.

Машина индикаторига қуёш нурунинг тўғридан-тўғри тушишини олдини олиш керак. Машиналар 220 В кучланишли разеткалар орқали уланганда уларда ерга улаш сими ҳам бўлиши керак. Хонадан ташқарида қўлланиладиган автоном энергияда ишловчи бўлади. Оператор-кассир иш ўрнига пул яшиги ва унинг устига назорат-касса машинаси ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишдан олдин машина печат қилиш қурилмасини ишга тайёрлаш керак. Бунинг учун машинага назорат ва чек лентаси солинади, ранглайдиган кассета қўйилади. Машинани ишга туширишда сонли клавиатура билан число, ой, йил формасида иш куни соат ва минутлар кўрсатилиб вақт белгиланади. Сўнг тўрт кассирлар номеридан бири киритилади ва кассирнинг пароли берилади. Охирги, олтинчи парол сони киритилгандан сўнг кассир индикаторига машинанинг ишга тайёрлиги ҳақида хабар беради. Агар парол нотўғри бўлса, унда машинада товушли сигнал пайдо бўлиб қайта киритишни тавсия этади.

Машинани ишлатишда бажарилган тўғри ҳаракатлардан сўнг машина: дастурлаш, ёки касса режими, кўрсаткичларни олиш ва ўчириш, ЭВМ билан ёки тарози билан ишлаш, тест ўтказиш режимларидан бирига ўтказилади ва ишлатилади. Бу режимларда ишлаш тартиби ҳар бир машина техникавий паспортига батафсил келтирилган.

Назорат-касса машиналарининг эксплуатация ишларининг аниқ қўйилиши, улардан самарали фойдаланишни, ҳамда овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатишни тезлаштиради.

Назорат-касса машиналарга ишлаш учун, маълум тайёргарликдан ўтган, техника хавфсизлиги ва электрхавфсизлик қоидалари билан танишганлар қўйилади.

Ишдан олдин кассир корхона жавобгар шахсидан (директори, катта кассир ва ҳ.к.) касса калитини олади. Биргаликда, счётчик кўрсатмаларини касса китобига ёзади. Шундан сўнг, кассир машинага чекли ва назорат лентасини солади, иш вақти ва кунини белгилайди, бир икки маротаба суммаси

қўйилмаган синов чекларини чиқаради. Бу билан, кун, вақт, шифр, машина номери, печатининг сифати текширилади ва машинанинг тўғри ишлашига ишонч ҳосил қилинади. Шундан кейин, кассир иш бошлайди. Ишнинг охирида раҳбар билан биргаликда, яна сётчик кўрсатмалари назорат лентасига белгиланади ва кассир китобига ёзилади, калит раҳбарга берилади.

Назорат-касса машиналарининг ҳар доим тоза бўлиши, бегона нарсаларнинг олдида бўлмаслиги, ҳар бир қисмнинг санитария-техникавий ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминлаш лозим.

Касса POS-терминали ва системасини ишончлиги бўйича ишлаб чиқарувчи компаниялар бўйича баҳолаш мумкин. Бундай баҳолашни эксперт фирмалар бериши мумкин. Масалан, «Софт-СИБ» фирмаси: NGR, IBM, Fujitsu, Штрих-М, ForPOSt чет эл ва Россия ишлаб чиқарувчиларини ўзининг эконоом-класси билан текширилган четки жиҳозлари ва ишончли фискал регистраторлари учун олувчиларга таклиф этишади.

Функционаллиги бўйича POS-терминаллар тўғридан-тўғри унинг дастурий таъминланганлигига боғлиқ бўлади (касса дастури). Касса дастури барча савдо жараёнларни: пулни қабул қилиш операцияси, қайтариш, сортлаш, турли тўловлар ва бошқаларни ёрдам бериши керак. Замонавий дастурларда турли маркетинг дастурлари: чегирмалар, бонуслар, акциялар ўтказиш ва ҳ.к. киритиш мумкин бўлади. Худди шунингдек, кассирнинг санкцияланмаган ҳаракатларидан ҳимоя этиши, маълумотларни сақлаши, справочникларни оператив равишда ўзгартира олиши, видеокузатишни бажариши, навбатни тезлаштириши керак.

«Софт-СИБ» мутахассисларининг фикрича, ҳозирги вақтда энг кўп қўлланиладиган касса дастурларига: «профи-Т», «Штрих-М: Кассир», «Frontol», «Advanced Store Si Retail» киради экан.

Ҳозирги вақтда POS-терминалларнинг икки: моноблокли ва дисперс модулли синфи мавжуд.

Россия назорат-касса машиналари классификаторида POS-терминал деб, фискал хотирали, персонал компьютерлар кириши ва чиқиш имкониятлари

мавжуд, информацияларни сақлаши, қайта ишлов бериши ва тасвирлаши мумкин бўлган назорат-касса машинаси тушунилади. POS-система деб, фискал регистратор асосидаги назорат-касса машинаси, фақат компьютер-касса системасида ишловчи, алоқа тармоғидан маълумот олиб ишловчи комплекс система тушунилади.

POS-системалари икки гуруҳга: «монобрендли» ва «йиғма»га бўлинади, биринчисида таркибида махсус система блоки, бир ишлаб чиқарувчи периферия фискал регистратор бўлиши назарий томондан таклиф этилса, иккинчисида фискал регистратор, оддий система блоки ва турли ишлаб чиқарувчилар перифериясидан йиғилади.

